

А Ж Р И М  
(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2024 йил май ойининг 16 куни, жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди “Яккабулоқ” МФЙ биносига, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг судьяси М.Ҳайитов, судья ёрдамчиси М.Мамасолиевнинг котиблигида, тарафлардан Чуст туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Тўланбоев, судланувчи А.Отабаев, жабрланувчи Ш.Икромова иштирокида,

**Отабаев Абдоржон Фазилович** (Otabayev Abrorjon Fazilovich) 1986 йил 13 январда Чуст туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, судланмаган, Чуст тумани “Саримсоқтепа” МФЙ “Хулвазор” кўчаси 3-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 10 май куни жиноят ишлари бўйича Чуст туман судидан олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми билан айбланиш ҳақидаги 1-1611-2402/137-сонли жиноят ишени кўриб, қуйидагиларни

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг судга тақдим этган ўзаро ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Отабаев, 2024 йил 28 март куни соат 19:30да Чуст тумани “Саримсоқтепа” МФЙ “Хулвазор” кўчаси 3-уйда жойлашган яшаш хонадонига бир рўзғор асосида яшаётган турмуш ўртоғи Ш.Икромова билан ўзаро оилавий низо сабабли тортишиб қолиб, унинг юз қисмига қўли билан уриб, унга соғлиқнинг 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан енгил шикаст етказган.

Судланувчи А.Отабаев судда айбига тўла иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 28 март куни соат 19:30да Чуст тумани “Саримсоқтепа” МФЙ “Хулвазор” кўчаси 3-уйда жойлашган яшаш хонадонига турмуш ўртоғи Ш.Икромова билан ўзаро оиласида келиб чиққан низо сабабли тортишиб қолиб, унинг юз қисмига қўли билан ургани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жабрланувчидан кечирим сўрагани, унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани, шу сабабли жабрланувчи уни кечиргани, судда жабрланувчи ихтиёрий ярашув аризаси тақдим этгани ҳақида кўрсатув бериб, жабрланувчи билан ўзаро ярашгани



сабабли, уни жинойй жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ш.Икромова судда, А.Отабаев унинг турмуш ўртоғи бўлиши, у билан бир рўзгор асосида яшаб келаётгани, 2024 йил 28 март куни Чуст тумани “Саримсоқтепа” МФЙ “Хулвазор” кўчаси 3-уйда жойлашган яшаш хонадонидан турмуш ўртоғи Ш.Икромова билан ўзаро оиласида келиб чиққан низо сабабли тортишиб қолгани, А.Отабаев унинг юз қисмига қўли билан ургани, ҳозирда турмуш ўртоғи А.Отабаев қилган ишидан пушаймон бўлиб, унга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаб кечирим сўрагани, шу сабабли уни кечириб ўзаро ярашув ҳақидаги аризани ўз ихтиёри билан ёзиб судга тақдим этгани, ҳозирги кунда ҳам судланувчи А.Отабаевга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий зарар юзасидан даъвоси йўқлиги, суд томонидан унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талаблари иш ярашув билан тугатилганида мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолиши тушунтирилгани ҳақида кўрсатув бериб, А.Отабаевга нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд жиноят иши юзасидан туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Тўланбоевнинг А.Отабаевга нисбатан жиноят ишини у жабрланувчи билан ярашгани муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини, А.Отабаевнинг айбига тўла иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, судда ўзаро ярашув ҳақида ўз ихтиёрлари билан ариза ёзиб берганликларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси талабига риоя қилган ҳолда А.Отабаевни жинойй жавобгарликдан озод қилиб, унга оид жиноят ишини тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 585-586-моддаларини қўллаб, суд

### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Отабаев Абдоржон Фазиловичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

А.Отабаевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича моддий ва маънавий зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида Наманган вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

М.Ҳайитов



Ҳужжат имзоланган: Хайитов Мирзохид Акрамович, 07.06.2024

